

Оилашунослик илми ҳақида

Д.Холиқов,

педагогика фанлари номзоди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, янгиланиш жараёнлари ва ислохотлардан кўзланган асосий мақсад озод ва обод Ватан, ривожланган фуқаролик жамияти барпо этиш, шу тарзда халқ фаровонлигини таъминлаш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, оиланинг барқарорлигига эришишдир.

Оила ва никоҳ борасидаги вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан оилашунос олимларнинг сайъ-ҳаракатларига, оиланинг тарбияловчи функцияларини янада юқори поғонага кўтаришга бел боғлаган изланувчиларга боғлиқдир.

Республика ҳукумати, шахсан Президентимиз И.А.Каримов томонидан оилага кўрсатилган эътибор, йилларга мақом берилаётганда оилани мустаҳкамлаш, никоҳни миллий қадрият сифатида эъзозлашга қаратилган чора-тадбирларнинг бажарилишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Қатор Ғарб мамлакатларида ва хусусан Россияда ҳам оила ва никоҳ масалаларига илмий нуқтаи назаридан ёндашув анъаналари мавжуд ва уларда маълум илмий тажриба бор. Хусусан, хорижда ўтказилган қатор тадқиқотларда, оила ва никоҳга бағишланган асарларда оиланинг ижтимоий, иқтисодий, тарбиявий функциялари, эр-хотин муносабатларининг оилавий барқарорликка таъсири, фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни ва роли, оилавий ўзаро мослик, оиладаги лидерлик, маиший-хўжалик функциялари тақсимооти ва уларнинг оила мустаҳкамлилига алоқаси сингари муаммолар конкрет эмпирик тадқиқотлар доирасида ўрганилган. Ўтказилган қиёсий тадқиқотлар олила ва унинг қадриятлари масаласи ҳар бир маданий-жуғрофий ҳудуд учун ўзига хос кўринишларга эга эканлигини исботлайди. Айниқса, оилада бола тарбияси, унда эр-хотин, оила бошқа аъзоларининг нуфузи масаласида Ғарб ва Шарқ анъаналарида ўзига хослик мавжуд.

Илмий ва экспериментал манбалардан шу нарсa аён бўлдики, мамлакатимизнинг ҳар бир алоҳида минтақасидаги оилаларнинг ўзига хос анъаналари, никоҳ борасидаги ижобий тажрибаси мавжуд. Лекин демократик жараёнларнинг тезлашуви, миграция ҳодисаси, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш қонуниятлари, хорижий давлатлар билан ўртанилган дипломатик алоқаларнинг изчил тарзда амалга оширилиши янги асрда Ўзбекистон оилаларининг ижтимоий-психологик мавқеи ва унинг ижтимоий институт сифатидаги қиёфасини ўзгартиради. Бундай объектив ҳамда субъектив ўзгаришлар оқими шароитида оила келажагини башорат қилиш, унинг ривожланиш истиқболини белгилаш катта амалий-иқтисодий аҳамиятга молик ишдир.

Оила... Сир-синоатларга тўлиқ макон. Шу маконнинг фаровон, чароғон, файзли ва барокатли бўлишини истамаган инсоннинг ўзи йўқ. Фозил инсон ва унинг жамияти пайдо бўлибдики, Оила деб аталмиш муқаддас даргоҳга асос солинган.

Оила илми... ХХI аср одами учун нақадар зарур ва эгалланиши оғир бу илм игна билан қудуқ қазигани каби, билганинг сари иштиёқни орттирадиган илмдир. Келинлик ёки куёвлик, оналик ёки оталик, бува ёки момо бўлиш илми, қиз фарзанд бўлиш ёки йигит ўғил бўлиш илмлари – туркона, шарқона қадриятларимиз асрлар мобайнида эъзозлаб, ардоқлаб келаётган илмлар бу.

Юз йиллар муқаддам ривожланган ғарбнинг олимлари тан олган, кўриб лол қолган, одоб нури билан йўғрилган, қизлар тарбиясида буюк мактаб эканлигини эътироф этилган илм салтанати бу – оила! Ҳар биримиз юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги, мамлакат мустақиллиги учун ҳалол меҳнат қилиб, уйга қайтгач, қалбимиз таскин топадиган, боламиз кўзидаги қувонч нурини кўриб, орам оладиган муқаддас ошён бу – оила!

Оила илмини эгаллаш керак. Чунки оила ва никоҳ қуришдаги барча эзгу ниятлар ҳар бир фуқаронинг қалб тўридаги эзгу ниятларигина бўлиб қолмай, балки улар шу юрт, шу муқаддас тупроқни асраш, уни гуллаб-яшнашига

бевосита алоқадор ниятлардир. Демак, Ватан истикболи, маҳалла ободлиги, хонадонлар фаровонлиги ажралмас, муштарак тушунчалардир.

Соғлом ва оқила она, тадбиркор ва ибратли ота бўлиш, тўрт мучали соғ, ақли зукко фарзандни тарбиялаш, унга ҳаётнинг барча сабоқларини бериш, ёмонликлардан, турли балою-қазолардан, хавф-хатардан асраш, одамлар орасида илмли, фозил, зўр бўлишга ўргатишнинг ўзи бўлмайди. Фан сифатида «Оилашунослик» курси маърузалари муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов айтганларидек, «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, донов а албатта, бахтли бўлишлари лозим»лигига амалда эришиш учун хизмат қиладиган фан бўлади.

Агар биз шу фан орқали оилавий муносабатларнинг мураккаб кирраларини ёритиб, ёшларимизнинг, ёш келин-куёвларнинг онгини оила илми меваси билан тўлдира олсак, мақсадга эришган бўламиз. «Оилашунослик» фани оила институтининг пойдеворига ишлайди, ундан олинган ҳар бир қатра илм эр-хотин мурасиси, фарзандлар камолига хизмат қилади. Ўзбекистондаги ҳар бир оилага у илм билан суғорилган маърифат, самимият билан йўғрилган илиқлик олиб кирадиган бўлғуси илм соҳиблари тайёрлайдиган фан бўлиб қолади.

Оила илми машғулотлари ҳозирча қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилмоқда: оила ҳуқуқи, оила демографияси, оиланинг тиббий-биологик асослари, оила маънавияти, оила психологияси.

Ҳуқуқий маълумотларни беришда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эр-хотиннинг оиладаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданият тушунчалари, никоҳ шартномасининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилади. Машғулотлар ўтказилаётган айни пайтда матбуотда эълон қилинган, Олий мажлис томонидан қабул қилинган янги Қонунлар, Фармон ва қарорларнинг оила манфаатига оид қисмлари шарҳланади, янги маълумотлар буклетлар шаклида тарқатма материал ҳолида тақдим этилади.

Оила демографияси мавзуси орқали талабаларга оиланинг турлари ва хусусиятлари, оила ва никоҳ, оилавий ажримлар ва уларнинг сабалари тўғрисидаги билимлар, оиладаги фарзандлар сони ва уларнинг муносабатлар тизимида роллари ва мақоми, туғиш интерваллари ва репродуктив ҳуқуқ муаммолари ёритилади.

Оиланинг тиббий-биологик муаммолари репродуктив билим ва маданият, акушер-гинекологнинг маслаҳати, тиббий кўрикнинг оилани мустаҳкамлашдаги ўрни, ҳомиладорлик даврининг ўзига хослиги, бу даврда аёлнинг парвариши, оила аъзоларининг унга бўлган муносабати, соғлом зурриёд тарбиясининг тамойиллари доирасида ёритилади.

Оила маънавияти соғлом турмуш тарзи маданияти, оила муҳитида фарзандларга соғлом ғоя ва дунёқарашни шакллантириш, мафкуравий иммунитет тушунчалари, ҳар бир оила ҳаётининг паст-баландлигига қараб, бола тарбиясининг ўзига хослиги, уни мактабга тайёрлашнинг педагогик ва психологик омиллари, зарарли одатлардан сақланиш шартлари, оилавий анъаналар, тўй, маърака анъаналарини кам чиқим қилиб ўтказишнинг моҳияти каби мавзуларни ўз ичига олади.

Оила психологияси йўналишида эр-хотин ва оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги психологик муносабатлар, уларнинг оқибати бўлмиш низолар, хусусан, қайнона-келин муносабатларининг ўзига хослиги, руҳий танглик ва унинг кўринишлари, ундан чиқиш йўллари, турли ёшдаги фарзандлар билан муомала қилишнинг самарали йўллари каби билимлар берилади.